



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 8 июль, № 143 (7923)

Пайшанба



УЗУМЧИЛИКДАГИ ИМКОНияТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, КЕНГ КўЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июль куни узум етиштириш, уни sanoat усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда худудларда энотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда азалдан узумчилик анъанаси бўлгани, уни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини таъкидлади.

— Узумчилик, бу — халқимизнинг асрлар давомидаги миллий деҳқончилик маданияти, қадрияти, гурури ва даромад манбаи ҳисобланади. Узум халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғлиқ кетган. Ҳар бир кўчада, хонадонда ток бўлган. Хусайни, тойфи, ризамат ота, келинбармоқ ва кишимси каби узумларимизнинг довруғи узум-зоқларга таътилган, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари томонидан 90 минг гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Бу тармоқда 900 минг аҳоли доимий ва мавсумий иш билан банд.

Сўнгги тўрт йилда 52 минг гектар янги тоқзорлар ташкил этилиб, соҳага 210 миллиард сўм субсидиялар ажратилди. Шу давр мобайнида мевасабзавотлар экспортида узумнинг улуши 2 бараварга кўпайди.

Лекин бугунги бозор талабини таҳлил қиладиган бўлсак, бу соҳада бундан-да катта имкониятлар бор. Хусусан, жаҳон бозорига ўрақ узум савдоси мевалар ичида учинчи ўринда бўлиб, ҳар йили унга бўлган талаб ўртача 350 миллион долларга ўсмоқда.

Бундай узум бўйича Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини келгуси тўрт йилда камида 600 миллион долларга, майиз бўйича 500 миллион доллар ва табиий винода 100 миллион долларга етказиш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Узумчиликнинг иқтисодий самара-

дорлиги ҳам, ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Масалан, 1 гектар ўрақ узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, 4 йилдан кейин йилига 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Шунингдек, узум дарахтидан олинган ёғ ҳам жаҳон бозорига юқори баҳоланади.

Яна бир муҳим жиҳати, 1 гектар галла майдонига 2 киши ишлаб, кўпи билан 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилса, узумчиликда, айниқса, шпалер усулида 10 нафаргача аҳоли иш билан таъминлаб, 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ўртача 25 минг долларлик экспорт қилиш мумкин.

Шу каби таҳлиллар бу соҳага катта эътибор қаратиш, қўллаб-масалаларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Афсуски, айрим худудларда йирик тоқзорлар майдони сўнгги тўрт йилда 7 минг гектарга камайган. Тармоқда селекция ишлари деярли йўқ, ҳалигача 40 — 50 йил аввал яратилган узум навлари актиб келинмоқда. Тоқзорларни янгилашни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмаган. Кўчат етиштириш илми ва технологиясига амал қилинмайди, кўчат касалликлари билан олимлар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам шугулланмайдилар. Шу боис ҳосилдорлик ҳам пасайиб, касаллик эса кун сайин кўпайиб бормоқда. Тоқзорларнинг атиги 38 фоизи интенсив усулда парвартирилмоқда.

Маҳаллий узумларимиз ҳосилдорлиги Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан 1,5-2 бараварга кам. Қолаверса, юртимизда етиштирилмаган узумлар аксарияти данакли бўлиб, жаҳон бозорига данаксиз узумга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда.

Узумни қайта ишлаш ҳам замон талаби даражасида эмас. Табиий ви-

нонинг умумий спиртли ичимликлар истеъмолларидаги улуши бор-йўғи 2 фоизни ташкил этади.

Энотуризм, яъни вино туризми ҳам тармоқ сифатида ривожланмаган. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида тўрттагина туристик узум плантациялари ташкил этилган, холос.

Шу боис йиғилишда узумчиликни кенг кўламда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Аввало, тоғолди туманларида йирик узумчилик плантацияларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун ўтган йили Олтиариқ туманида галла майдонлари қисқартирилиб, 2 минг гектар ерда йирик узумзорлар барпо этилган эди. Уларда тумандаги 5 минг нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди.

Энг асосийси, бунинг эвазига қўшимча 60 минг тонна узум етиштирилиб, унинг экспорти кейинги йилда қарийб 100 миллион долларга, тўлиқ ҳосилга киргандан кейин эса йилига 200 миллион долларга етди.

Шунингдек, Форш, Галлаорол, Янгиобод, Чироқчи, Пайариқ, Қўшработ туманларида ҳам янги тоқзорлар барпо этилган.

Шундай тажриба асосида Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги 44 та туманда янги экспортбон узум плантациялари ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу плантацияларга хизмат кўрсатиш инфра-тузилмасини йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг худудий бўлинмаларида узумчиликни ривожлантириш, кўчат билан таъминлаш ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича Лойиҳа офислари ташкил этилиши белгиланди.

Академик Маҳмуд Мирзаев номи-

даги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа илмий муассасаларнинг ерларида сертификатланган узум кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди. Тоқзорлар барпо этиш ва эскиришларини янгилашни рағбатлантириш мақсадида сертификатланган янги узум плантацияларининг ҳар бир гектарыга 10 миллион сўмдан субсидия берилди.

Узумзорлар ташкил этишни молиялаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурслар ажратилди.

Мева-сабзавотлар тўқинлигида аҳоли томорқалари ҳам катта манба. Мисол учун, Булқош туманидаги хонадонларда 5 минг тонна узум етиштирилиб, 15 миллиард сўм даромад олиниши кутилмоқда.

Президентимиз бу тажрибани барча худудларда омалаштириб, томорқа четларида, йўл бўйларига узум етиштириш анъанасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда соҳага илм ва инновацияларни кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳорижий тажриба асосида узумнинг ҳосилдор, данаксиз, совуққа ва касалликларга чидамли янги навларни яратиш бўйича топшириқ берилди.

Токни фақатгина шпалерга кўтариш ҳисобида ҳосилдорлигини 2-3 баравар кўпайтириш мумкинлиги қайд этилди. Буни қўллаб-қувватлаш мақсадида энди шпалер ўрнатиш харажатларининг 30 фоизгача қисми бюджетдан қропаниши белгиланди. Шунингдек, узумчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва техникалар божхона тўловларидан озод этилди.

Давлатимиз раҳбари узумни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришнинг тўлиқ циклини яратиш

учун виночилик кластерлари ташкил этиш кераклигини таъкидлади.

Уларга узуمنى қайта ишлаш, майиз қуриштириш ва қадқолаш ускуналарини сотиб олиш учун молиявий имтиёзлар берилмаган бўлди. Шунингдек, табиий виноларга нисбатан акциз солиғи бекор қилиниши белгиланди.

Экспорт имкониятлари таҳлил қилинар экан, жорий йилда ўрақ узум экспортини 200 миллион долларга, майизбон узум экспортини 130 миллион долларга, табиий узум вноси экспортини 50 миллион долларга етказиш мумкинлиги айtilди.

Юртимиз узум навларининг миллий брендини яратиш, хорижда тарғиб этиш, салоҳиятли бозорлар билан фитосанитар келишувларга эришиш бўйича топшириқлар берилди.

— Тармоқ раҳбарлари ва ҳокимлар келгуси йилларда экспортни янада ошириш учун ўзларининг аниқ режаларини белгилаб олишлари керак. Бундан бунён етиштирилган ҳосил 30 фоизгача экспорт қилинса, даромад ва мулк солиқлари 30 фоизга, экспорт 30 фоиздан ошса, 2 бараварга камайтирилади. Шунингдек, экспорт қилинган ҳар бир литр табиий вино учун 5 минг сўм субсидия ажратилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Узумзорларда энотуризм учун зарур инфраузилма яратиш чора-тадбирларига ҳам тўқталиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

Ў.А.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Аҳоли учун яна бир қулайлик:

СОЛИҚЛАР ТўЛОВИДАГИ ҚўШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда атраофлига кўриб чиқди.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, заргавлик санотини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, қимматбахо металлургия ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган парчаларни ва чикиндиларни, қимматбахо металлургия ўлчов пластиналари ҳамда гранулалари, қимматбахо ва яримқимматбахо тошлар, қимматбахо металлургия ҳамда қимматбахо тошлардан ясалган яримтайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича айланма қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши назарда тутилмоқда.

Лойиҳа билан солиқ тўловчининг илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан 2 коэффицент қўлланилган ҳолда чеги-

риб ташлаш тартиби жорий қилинади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида уч йилдан ортқ фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларни муддатда тўлаб келган, лекин молиявий аҳолига кўра солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган. Бу қулайликлар уч йилдан ортқ товарларни импорт қилиш билан шугулланмаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳолига кўра тўловларини белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган таъкидланди. Бу қулайликлар билан импорт қилиш билан шугулланмаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳолига кўра тўловларини белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган таъкидланди.



ДАВРНИНГ ўЗИ АХБОРОТ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасида очиклик ва шаффофликни таъминлаш Президентимиз бошчилигидаги янгилаш сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Муносабат

Ҳаракатлар стратегиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишининг замонавий шакллари жорий этиш давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган бўлиб, ўтган даврда бу борада салмоқли ишлар рўйбо-рча чикарилганидан барчаннинг хабари бор. Масалан, давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий янгилаш тарафидан расмий веб-сайтлари яратилди. Ахборот сиёсати ҳамда очиклик масалалари бўйича маъсул лавозимлар жорий этилди ва уларнинг мавқеи раҳбар ўринбосарига тенглаштирилди.

Муҳими, бу йўналишдаги



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА АФҒОНИСТОН ўРТАСИДАГИ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Превентив дипломатия маркази ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирларининг виртуал форматдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашувда Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Халқро терроризм таҳдидларига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиё давлатлари томонидан ушбу йўналишда амалий саъй-ҳаракатларни ишлаб чиқиш муҳимлиги ҳам эътибор қаратилди. Таъкидланишича, Афғонистоннинг минтақавий интегра-

ция жараёнларига кенг жалб қилиниши мамлакатда барқарор ва узоқ муддатли тинчлик қарор топишига ёрдам беради.

Видеоконференцияда афғон инқирозини тинч йўл билан ҳал этиш, мамлакат иқтисодий-ишқисодиётини тиклаш ҳамда сиёсий жараёнларни ривожлантиришда афғон халқининг етакчилик роли таъминлини ҳурмат қилиш бўйича минтақавий вазифаларни белгилаб олиш зарурлиги қайд этилди.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

АДОЛАТЛИ, ОЧИҚ ВА ОШҚОРА

Нуфузли халқаро конференцияда Ўзбекистонда сайловлар ана шундай тамойиллар асосида ўтади деган хулосага келинди.



Шу йил 1 июль куни Гулистон шаҳрида “Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Барқарор ривожланиш маркази томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда унинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, БМТ Тараққиёт дастури, Швейцария

тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги кўмағида онлайн ҳамда офлайн форматларда ташкил этилди.

Конференция иштирокчилари сайлов қонунчилиги ва амалиётини кўриб чиқиш ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги янгиликларини баҳолаш имконига эга бўлиб, уларни такомиллаштириш бўйича қатор хулоса ҳамда тавсияларни ўз ичига олган Гулистон ҳужжатини қабул қилди.

«Сайлов — 2021»

Анжуманнинг асосий хусусиятлари

Аввало, конференция Ўзбекистондаги бу йилги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалардан бири — Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асосини муҳокама қилишга ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш тенденциялари ва давом этаётган коронавирус пандемияси шароитида демократик сайловларни ўтказиш амалиёти бўйича фикр ҳамда тажриба алмашишга бағишланган.

Тадбирда 30 дан ортқ халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг (Грузия, Хиндистон, Қирғизистон, Молдова, Польша, Португалия, Россия, Тожикистон, Япония) 50 дан

ортқ мутахассислари ва Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, Олий Мажлиснинг 200 га яқин вакиллари, суд тизими, Марказий сайлов комиссияси, етакчи илмий-таҳлилий марказлар, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари, соҳадagi етакчи экспертлар қатнашганлиги халқро ҳамда маҳаллий экспертлар ҳамжамиятининг конференция мавзусига бўлган катта қизиқишидан далolat беради. Тадбирнинг онлайн қисмида экспертлар интернет орқали 71 та нуқтадан қатнашди.



Бу йил Ёшлар куни ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Учинчи Ренессанс бунёдқорлари” шиори остида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумидаги иштироки ҳамда маърузаси, муболағасиз айтиш мумкинки, шу чоққача эришилган натижалар, олиб борилган изчил ислоҳотлар соҳасида янги саҳифа очилаётганини кўрсатди.

Ёшлар билан ишланишнинг ўзбекистон тажрибаси

Халқро миқёс олган ташаббуслар, ҳаётбахш ҳуқуқий ҳужжатлар ва истиқбол сари шахдам қадамлар.

Мушоҳада

Мамлакатимиз Президентини бошчилигида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қилинган кенг миқёсли ишларни кўз олдимизга келтирсак, ислоҳотларни тўрт шартли даврга — босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич — 2016 йил сентябрдан бошланди ва ёшлар билан тинимсиз мулоқот, режалаштириш, мавжуд реал манзарани ич-ичидан чуқур ўрганиш ҳамда баҳо бериш палласи бўлди. Узимизга ойна тутди.

Барчамизнинг ёдимизда — давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлик вазифасини бажарувчи сифатида ўз фаолиятини бошлаганда, биринчи имзоланган ҳуқуқий ҳужжат “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлган. Менинг қатъий фикримча, айнан мана шу пайтда янги Ўзбекистонда кейинчалик жадаллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўқ томири, энг устувор жиҳати яққол ва баралла намён бўлган эди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН

1 Қайд этиш лозимки, иштирокчилар фикрига кўра Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловлар мамлакатимизнинг умуман, бутун Марказий Осиё минтақасининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда янада барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, **Элчи Пьер фон Аркснинг** сўзларига кўра, конференция халқаро ҳамжамиятга Президент сайловини юқори халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиши ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон эришган ютуқлар билан танишиш имкониятини берди. Эеро, қонуни устуворлиги таъминланган ҳолда ўтказилган сайловлар Ўзбекистон манфаатига хизмат қилади. Бу нафақат Марказий Осиёда, балки халқаро миқёсда демократия ва барқарорликнинг намунасига айланади.

Польша Табиий ва гуманитар фанлар университети профессори Ежи Шукляски: "Мен Ўзбекистонда 2016 йилдаги сайловларда

Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси ва Венеция комиссияси ўртасида сайловларни ўтказишда самарали ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистондаги сўнгги парламент сайловлари ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Венеция комиссияси кўмағида ишлаб чиқилган ҳамда 2019 йил июнь ойида парламент томонидан қабул қилинган янги Сайлов кодексига мувофиқ бўлиб ўтди.

ЕХХТ вакиллари "Ўзбекистон парламенти мамлакатдаги сайлов жараёнини давом эттирмоқда. 2020 йилда ЕХХТ халқаро экспертлари ёллаб, Ўзбекистонда халқаро мажбуриятларни, демократик сайловлар бўйича стандартларни (ДИИХБ тавсиялари ҳам) амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди. Бундан ташқари, айтиш лозимки, ҳатто аҳамиятсиз бўлиб кўринган ҳар қандай ўзгаришларни сайлов қончилигига киритиш учун ҳар доим олдиндан пухта иш олиб бори-

Шу муносабат билан кўшимча эҳтиёт чораларини кўриш керак. Биз Марказий сайлов комиссиясининг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Учинчи хулоса. Ўзбекистондаги сайловлар сиёсий партияларнинг тобора ўсиб бораётган ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, партиялар ўртасида соғлом рақобат, мамлакатда ҳақиқий кўп партиявийлик тизимини ривожлантириш ҳамда мустақамлаш шароитида ўтказилмоқда. Шунингдек, жамоатчилик назорати, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолашда талабчанлиги ошди.

Элчи Пьер фон Аркс Ўзбекистонда "сиёсий партиялар сайловларда фаол иштирок этаётгани ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни тобора ортиб бораётгани"ни айтди. М. Димовска ҳам шу фикр билан ўртоқлашди ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнида, айниқса, сайловлар тўғрисида

одиллиги кафолати бўйича Ўзбекистон тажрибасини янада кенгроқ тарқатиш зарур.

Конференция қатнашчиларининг фикрига кўра, сайловчилар сайлов маданияти ва фаоллигини ошириш, уларнинг сайлов институтига бўлган ишончини кучайтириш, жамиятда давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг ягона замонавий ҳамда демократик механизми эканлиги, янги конституциявий тамойилларни ҳаётга татбиқ этишга бўлган ишончини кучайтириш жуда муҳим.

Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган аҳолининг сайлов маданиятини ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурида қуйдагилар кўзда тутилган:

- ташкилотчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, сайловчилар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига ҳуқуқий таълим тизимини оммавий ҳамда кенг қамровли қилиш, мустақамлаш ва тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

рат қилинмаслиги сайлов жараёнига ноқонуний аралашши хавфини келтириб чиқармоқда".

Ушбу муаммо ҳам қонунчилик даражасида, шу жумладан, аҳолининг медиа саводхонлигини ошириш соҳасида амалий ечимини қутқоқди.

Гулистон ҳужжатига конференция иштирокчилари Ўзбекистонда сайлов қончилиги ва амалиётини ривожлантиришга оид бошқа қатор хулосаларни ҳам баён қилди.

Тадбирнинг

муҳим тавсиялари

Биринчи тавсия. Ўзбекистонда ёш депутатларнинг улуши дунёдаги ўртача кўрсаткичдан салкам 3 баробар кўплигини инobatта олиб, бу борадаги Ўзбекистон тажрибасини кенг тарғиб этиш. Шунингдек, Парламентларо Иттифоқнинг "Биз — парламентда ёшлар тарафдоримиз" ташаббусини амалга ошириш ва ёшлар парламентлари фаолиятини янада кучайтириш;

Иккинчи тавсия. Ўзбекистонда аёлларга барқарор ривожланиш, тинчлик ва демократияга эришиш учун муҳим бўлган барча даражадаги қарорларни қабул қилиш жараёнида фаол қатнашиши учун эркаклар билан тенг шароитлар яратилганлигини ҳисобга олиб, қуйдаги масалаларни кўриб чиқиш тақлиф этилади:

- аёлларнинг сиёсий тадбирлар ва сайловларда иштирокини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш сиёсатини кучайтириш;

- хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларда аҳамияти ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги иштироки тўғрисида хабардор қилишга қаратилган дастурларни кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш.

Учинчи тавсия. Мамлакат сайлов қончилигини янада тақомиллаштириш нуктаи назаридан қуйдаги масалаларни кўриб чиқиш тақлиф этилади:

- хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларда аҳамияти ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги иштироки тўғрисида хабардор қилишга қаратилган дастурларни кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш.

- сиёсий партияларга реклама тарқатишда тегишли хизматлардан тенг равишда фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадига сиёсий реклама тўғрисидаги қонуни қабул қилиш, сиёсий партияларнинг сайловдаги фаолиятини ёритишда тенглик кафолатларини ўрнатишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида тегишли қондаларни Сайлов кодексига киритиш;

- сайлов ташкилотчилари учун "Ахлоқ кодекси"ни, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва маҳаллий кузатувчилар учун ахлоқ кодексларини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимиз сайлов қончилиги ва амалиётини янада тақомиллаштириш бўйича тақлиф ишлаб чиқиш соҳасида Ўзбекистон академик ҳамжамиятининг халқаро тузилмалар, шу жумладан, ЕХХТ/ДИИХБ экспертлари билан ўзаро алоқаларини кучайтириш.

Тўртинчи тавсия. Сайлов жараёнини кузатишда қуйдагилар тақлиф этилади:

- мустақил тадқиқот марказлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан қонунчиликни қўллаш амалиёти умумлаштирилиши, сайловчилар ҳуқуқий маданияти ҳолати ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар тахлифини ўз ичига олган йиллик ҳисоботини амалиётга жорий қилиш;

- амалдаги қонунчилик доирасида фуқаролик институтларини сайловларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга йўналтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда сайлов жараёнининг жамоатчилик мониторингини ўтказиш.

Бешинчи тавсия. Давлат ва жамиятнинг рақамли ўзгариши шароитида сайлов жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларни ҳуқуқий тартибга солишни янада кенгайтириш зарурати туғилмоқда. Умуман, конференцияда Ўзбекистонда сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишда ҳақиқий демократия, адолат, очиклик ҳамда ошқораликни таъминлаш учун яратилган эркин ва адолатли сайловлар учун қулай сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда гуманитар макон шаклланди, деган хулосага келинди.

Сўнгги йилларда сайлов меъёрлари, жамият ва давлат ҳаётини тизимли ҳамда изчил демократлаштириш ва либераллаштириш натижасида фуқароларнинг жамият ҳамда давлат бошқарувида иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун барча зарур шароит яратилди. Ўзбекистондаги сайловлар давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг самарали механизмига айланган, унинг давомилиги ва сиёсий барқарорлигини таъминлайди.

Конференция иштирокчилари халқаро шерикларни фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, сайловларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва мустақамлаш соҳасидаги миллий сиёсат, дастур ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқишда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва илғор тажриба алмашишувини қўллаб-қувватлашга қақирди.

Акмал САЙДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

АДОЛАТЛИ, ОЧИҚ ВА ОШҚОРА

Нуфузли халқаро конференцияда Ўзбекистонда сайловлар ана шундай тамойиллар асосида ўтади деган хулосага келинди.

хорижий кузатувчи сифатида иштирок этдим. Уша даврнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда янгича очиклик ва ошқоралик, демократия руҳи намойён бўлганди. Албатта, Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги ислохотлар мутлақо янги мўлҳити шакллантирдики, бўлажак сайловлар юқса демократик тамойилларга мос бўлади дейишга етарли асос бор", дея алоҳида таъкидлади.

Конференция мамлакатнинг илмий марказлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ташаббуси билан ташкил этилган бу нуфузли тадбирнинг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий ақсилтеррор тузилмасининг доимий вакили, **Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Бхаргав Митра** қуйдагиларга эътибор қаратди:

- конференциянинг илмий-таҳлилий марказлар, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ташкил этилиши ва ундаги мавзулар маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар томонидан қизгин муҳокама қилиниши юртингизда фуқаролик жамияти институтларининг мақоми ва аҳамияти ошаётганлигидан далolat беради. Бу, ўз навбатида, давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши — эркин ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш;

- эркин ва адолатли сайловлар масаласига бағишланган анжуманининг пойтахтда эмас, Гулистонда, яъни худудда ўтказилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга молик, деб ҳисоблайман;

- бўлажак сайлов партиялараро кучли рақобат, очиклик, фикр эркинлиги ва чинакам танлов шароитида ўтишини таъмин қилиш бўлади. Буларнинг барчаси янгилаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос ноёб ютуғидир.

Конференциянинг бошқа иштирокчилари ҳам Гулистон ҳужжатига акс этган ушбу фикрга қўшилишди.

Аниқ ва долзарб хулосалар

Биринчи хулоса. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аширин овоз бериш орқали очик ва ошқора, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилган эркин ҳамда адолатли сайловларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустақамлашга, шунингдек, қонун устуворлиги, замонавий демократик сайлов тизимини мустақамлаш ва ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сайлов қончилиги ва сайлов жараёнини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштиришнинг уч босқичли мавжуд:

- алоҳида қонунлардан ягона сайлов кодексига ўтиш;

- тавсис этилган ҳокимият — Марказий сайлов комиссияси ва барча даражадаги сайлов комиссияларининг мустақиллигини таъминлаш;

- сиёсий партияларнинг сайловдаги ташвиқоти ва сайловдаги тадбирларини ташкил этиш, шу жумладан, сайлов пайтида оммавий ақциялар ўтказиш имкониятларини кенгайтириш.

Шунингдек, қўллаб иштирокчилар сайлов тизимини ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда сайлов қончилигини ҳали туғаманлигини таъкидлади. Эеро, сайловлар сўнгги бекат эмас, балки муттасил ривожланиб борувчи жараёндир. Ҳарор амалиёти шуни кўрсатадики, дегрли ҳар бир сайлов кампанияси доим янги муаммоларни юзага чиқаради.

Элчи **Пьер фон Аркс**, ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси эксперти **Карла Луиш** ҳамда **А. Громов** Ўзбекистон билан ЕХХТ/ДИИХБ,

лади, ўтган сайлов кампаниялари таҳлили ҳамда унинг асосида қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Биргаликда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2021 йилда Ўзбекистон Сайлов кодексининг 11 моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, ЕХХТ Ягона электрон сайловчилар рўйхатини амалга оширишда муҳим роль ўйнаганлиги қайд этилди. Умуман олганда, Сайлов кодексига, мамлакатнинг бир қатор қонунлари, МСҚ нормалари ҳамда кўрсатмаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ЕХХТ/ДИИХБ миссиясининг 2019 йилги парламент сайловларини кузатиш бўйича 21 та тавсиясини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш ижобий баҳоланди.

Иккинчи хулоса. Ўзбекистон халқаро тузилмалар ва хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорликка очик, шунингдек, адолатли ҳамда демократик сайловларга тайёр.

Шундай қилиб, жорий йилнинг май ойида ЕХХТ/ДИИХБ экспертлари бўлажак сайловлар муносабати билан Ўзбекистонга таширф буюришди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларга мувофиқ ва халқаро кузатувчилар иштирокида сайловларни ўтказишга тайёрлигидан далolat беради.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда ЕХХТ/ДИИХБ кузатувчиларини Ўзбекистондаги сайловларга жалб қилиш бўйича ижобий тажриба тўпланди. Хусусан, ЕХХТ/ДИИХБнинг 2016 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Президент сайловини кузатиш миссияси таркибига 32 мамлакатдан 193 нафар кузатувчи киритилган эди. 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловлари учун ЕХХТ/ДИИХБ биринчи марта тўлақонли миссияни юборди. Сайлов кунин ЕХХТ Парламент Ассамблеяси делегацияси билан биргаликда 37 давлатдан 316 кузатувчи киритилган халқаро миссия тузилди.

Уларнинг яқини ҳисоботида сайловлар тақомиллаштирилган қонунчилик ва мустақил фикрларга нисбатан бағрикенглигини кучайиши руҳида бўлиб ўтди, деган хулосага келишди. Шу билан бирга, эксперт **А. Громов** ЕХХТ/ДИИХБ тавсияларини амалга оширишда маҳаллий ҳамда маданий хусусиятларни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлади.

МДХ Парламентларо Ассамблеяси қотибяти раҳбари Урнбосари **И. Мушкет** 2021 йилда МДХ Парламентларо Ассамблеясининг халқаро кузатувчилари гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатишда биринчи мартаба иштирок этишини таъкидлади. Халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортиб бораётгани ҳақида ҳам тўхталиди. Шу билан бирга, у "халқаро кузатувчи ташкил қилишда энг муҳим икки тамойил — миллий суверенитетни ҳурмат қилиш, миллий сайловларга ташқи аралашувга йўл қўймаслик ва ҳолислик" эканлигини таъкидлади.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовсканинг таъкидлашича, ушбу тадбир Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган сайловлар 2017 йилда бошланган ислохотлар доирасида халқаро тавсияларни ҳисобга олган ҳолда уюштирилади. Бу жараёнда ёрдам беришга тайёр эканлигини билдиради.

Шу жумладан, М. Димовска қуйидагиларни таъкидлади:

- кузатувчиларнинг тавсиялари сайловдан кейин ҳам давом этидиган сайлов қончилигини тақомиллаштиришга хизмат қилади;

- бутун дунё бўйлаб сайловларни ташкил қилишда қийинчиликлар туғилганда, давом этаётган пандемия шароитида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни уюштириш баъзи мамлакатларда бекор қилинди.

жамоатчилик хабардорлигини оширишдаги роли ортиб бораётганлигига уруғ берди.

Ўз навбатида, мамлакат сиёсий партиялари вакиллари бугунги кунда электорат талабчанлигининг сифат жиҳатидан янги даражаси мавжудлигини, айниқса, аёллар ва ёшлар ижтимоий ҳаётда фаолиятини таъкидлади.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай сиёсий партия сайлов кампаниясига кириб, ўзининг дастурий голяри ва мақсадларини доимий равишда тақомиллаштириб боради. Бугунги кунда партияларнинг аҳоли билан ишлашини, уларнинг ҳокимият вакиллик органларидаги фаолиятини тўбдан қайта кўриб чиқиш, голярий ҳамда дастурий ҳужжатларини, тарғибот воситаларини тақомиллаштириш зарур. Уларнинг пиар стратегиялари ва медиа режалари жамият ҳамда давлат-

- сайлов жараёнининг турли тоифадаги қатнашчилари, айниқса, ёшларнинг умумий ҳуқуқий ва сайлов маданиятини ошириш;

- оммавий ахборот воситалари билан ишлашни тақомиллаштириш, уларнинг сайлов жараёни ҳақидаги билимларини кенгайтириш, уларни сайловларнинг барча босқичида ишончли маълумотларни тарқатишга жалб қилиш, шунингдек, жамиятда медиа маданиятини ошириш;

- фуқаролик жамияти институтлари сайлов жараёнининг демократияси, қонунчилиги ва адолатчилигини таъминлашда, шунингдек, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари фаолиятида иштирок этиш;

- янги ахборот-коммуникация тех-

“ Сўнгги йилларда сайлов меъёрларини, жамият ва давлат ҳаётини тизимли ҳамда изчил демократлаштириш ва либераллаштириш натижасида фуқароларнинг жамият ҳамда давлат бошқарувида иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун барча зарур шароит яратилди.

нинг рақамли трансформациялашувини, шунингдек, ҳар бир тоифадаги сайловчиларнинг эҳтиёжларини, ҳар бир минтақа ва ҳар бир маҳалланинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Тўртинчи хулоса. 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тўла ҳуқуқли аъзолиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиянинг қабул қилиниши янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларни давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши эканлигидан далolat беради.

Яқинда мамлакатда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди, шунингдек, ноғиронлиги бор қишилар сайлов жараёнида фаол иштирок этишлари учун шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирнинг халқаро қатнашчилари БМТ доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илгиримдан ортик глобал, минтақавий ва миллий ташаббуслар халқаро тузилмалар ҳамда хорижий давлатлар томонидан қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Шу нуктаи назардан, **Карла Луиш:** "Ўзбекистонда сайлов қончилиги уч босқичда ривожланган. Сайлов кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларини тайёрлашда ЕХХТ/ДИИХБ миссиясининг тавсиялари ҳам эътиборга олинган таҳсинга сазовор. Шу билан бирга, нафақат сайлов қончилиги, балки сайловларни ташкиллаштириш билан боғлиқ уч босқичда — сайловгача, сайлов давридаги ҳамда сайловдан кейин ҳам юқса демократик мезонларга мослиқни намойён этиш назарда тутилди. Бу борадаги ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишдан ҳар икки томон — ЕХХТ/ДИИХБ ва Ўзбекистон манфаатдордир", дея таъкидлади.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда ушбу соҳада қўрилётган чора-тадбирларни ижобий баҳолади.

Бешинчи хулоса. Аҳолининг сайлов маданиятини ошириш бўйича сайловларнинг ошқоралиги ва



Аҳоли учун яна бир қулайлик: СОЛИҚЛАР ТЎЛОВИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

1 Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддасига қўшимча киритилмоқда. Ўшбу жисмоний шахсларнинг профессионал таълим муассасасида таълим олиши учун йўналтирилган маблағлари ҳам жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан тўлиқ қилиниши, аҳоли қўшимча киритилмоқда. Ўшбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, аҳоли даромадларини қўлайлаштиришга, тадбиркорлик субъектларининг янада ривожланишига, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга хизмат қилади.

МУАММОЛАР ҲАЛ ҚИЛИНАС ЭЖАН, УЛАР БОШҚАСИНИ ЕТАКЛАБ КЕЛАВЕРАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўрмон ҳўжаллигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжаллиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилингани соҳани тўбдан ислох этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўтган даврда концепция доирасида ўрмон ҳўжаллигини тўбдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг битта қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан худудларда олиб борилган ўрганиш ва баҳолаш, салоҳиятли ўрмон фонди ерларини сайёбар ташириш учун мossaштириш бўйича ишлар ҳолати етарли даражада олиб борилмапти.

Мазкур муаммолардан келиб чиқиб, куни кеча бўлиб ўтган парламент куйи палатасининг навбатдаги мажлисинида ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Аграр ва сув ҳўжаллиги масалалари кўмитаси ташаббуси билан Ўрмон ҳўжаллиги давлат кўмитаси раиси Н. Бакировга "Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжаллиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги Кўнунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Мунисон КАРИМОВА.

МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ УЧУН КОНСТРУКТИВ МАЙДОН

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" номи халқаро конференция ўтказилди.

Ташаббус

Бу — Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий стратегияси асосида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустақамлашга қаратилган долзарб ташаббусдир. Айни чоғда мазкур голяминтақамиз билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий-гуманитар жиҳатдан чамбарчас боғланган Жанубий Осиёга чиқиш орқали Марказий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

ВА ФАРАОВОН ЯШАЙЛИК!



Кейинчалик, дарҳақиқат, ёшларга оид давлат сиёсати Президентимиз томонидан мунтазам равишда ривожлантириб борилди, навқирон авлод билан ишлаш бўйича жаҳонда ўшаши йўқ ноёб тизим вужудга келди, деб бемалол айтиш мумкин.

Жуда яхши эслаيمان — мазкур Қонун қабул қилинган, халқро жамоатчилик вакиллари унга катта қизиқиш билдирган, ижобий баҳо берган эди. Сабаби, дунёнинг кўпгина давлатларида ёшларга оид алоҳида қонун мавжуд эмас.

Шу ўринда ўтган беш йилда эришилган юксак натижалар билан ғурурланиш, фахрланиш асосида, унинг ҳуқуқий асослари қанчалар мустаҳкам эканлигига уруғ қаратиш лозим, деб ўйлайман. Биргина мисол — ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бевосита йигит-қизларнинг ҳуқуқманфаатларига тааллуқли 100 дан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Уларнинг ҳаёта татбиқ этилиши жойларда йиллар давомида ўз ечимини кутиб турган муаммо ва масалаларни ниҳоятда тезкорлик билан ҳал қилиш имкониятларини туддиради.

Энг муҳими, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича умуман янги тизим ишга тушди. Бу тизимнинг халқимизга манзур бўлган энг асосий хусусияти — ижро жараёнининг барча даража ва босқичида очкилик, шафқатлиқ таъминланаётганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида ёшларга оид давлат сиёсатини янги поғонага кўтаришнинг биринчи босқичи — мулоқот даври бўлди, дейиш мумкин. Бу вақтда давлат органлари, раҳбарларнинг эртасиз эгара билан ишлаш лаёқатига баҳо берилди, жамоатчилик назорати қатъийлашди, кўпроқ ёшларнинг ўзи гапирди, муаммолар, масалалар оидинлашди, ҳақиқатга тик қаради, ёлғондан воз кечилди, масалага комплекс ёндашадиган муҳим қадамларга тайёргарлик кўрилди.

Иккинчи босқич. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил 30 июнь кунини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, унинг асосий мақсади йигит-қизларнинг барча ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга кўмаклашиш эканлиги белгилана берилди. Худди шу кунини давлатимиз раҳбари тақдир билан 30 июнь — Ёшлар кунини, деб эълон қилинди.

Ёшлар иттифоқи ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ёшларга доир давлат

сиёсатини амалга оширишда муҳим нодавлат тузилма, асосий таянч ташкилот сифатида фаолият олиб борди ва унга бу йилда кенг имкониятлар берилди.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири сифатида Президентимиз томонидан келажак бунёдкорларига эътиборни қучайтириш, уларни илм-фан, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонлиқни

ишлаб чиқилди, уни илгари суриш бўйича “Дўстлар гуруҳи” шакллантирилмоқда. Қисқача айтганда, бу даврда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшларга доир ислоҳот ва ташаббуслари миқёси кенгайди, дунё сиёсатида ҳам бу йўналишда янги марраларни белгилайдиган, барчани шунга даъват этадиган етакчи сифатида намоён бўлди.

Аммо ишларни тизимли олиб бориш, муҳим устувор масалаларни ҳал қилишга комплекс ёндашиш зарур эди. Айни шу

Ушбу ҳужжатларни жамоатчилик, айниқса, ёшлар жуда катта хурсандчилик билан кутиб олди. Болажон халқимиз бундай муҳим ҳаётбахш ислоҳотларни қанча орзича кутган эди. Ислоҳотларнинг айнан мана шу босқичидан бошлаб, мамлакатимиз ўғил-қизлари кайфиятида кўтаринкилик, дадиллик қайта уйғонди, ўзига ишончи ортди, уларнинг янграқ овозлари халқ ҳўжалигининг барча соҳасида янада баралла эшитилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Ўзбекистонда

Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда қатнашди ва нуқт сўзлади. “Азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз” деб номланган ушбу марузуда Президент эришилган натижалар, марралар баробарида, олданда турган вазифаларга эътибор қаратди, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш зарурлиги қайд этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳозирги — тўртинчи босқичи

даги Ёшлар парламенти аъзолари билан суҳбатлашдик, келгуси режаларни муҳокама қилдик. Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида иштирок этган Ёшлар парламенти аъзолари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йигит-қизларнинг улкан салоҳиятини хар томонлама рўёбга чиқариш учун уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги соҳасида навқирон авлоднинг ўз “имзо”си бўлиши борасида муҳим ташаббуслар айтилди.

Бугунги кунда парламентда ёшларнинг ўрни ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, Қонунчилик палатаси депутатларининг 9 нафари (6 фоизи)ни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шунингдек, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг тузилуши мамлакатимизнинг миллий бойлиги ва келажак бўлган ёшлар билан ишларни сифатли олиб бориш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу комиссиянинг тузилуши давлат ҳамда жамият бошқарувида ёшларнинг иштирокини амалий жиҳатдан таъминлаш орқали ёшларга оид давлат сиёсати ижросида Қонунчилик палатасининг салоҳиятини ошириш имконини бермоқда.

Ўз навбатида, Ёшлар парламенти вакиллари билан бирга соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги марузасидан келиб чиқадиган вазифалар қўллаб-қувватлаш олинди. Хусусан, Парламентлараро Иттифок кўмағида “Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!” деган ташаббусни амалга ошириш, фаол ва ташаббускор йигит-қизларни парламент аъзоларига бириктириш чораларини қўриш, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатдаги каби маҳаллий Кенгашларда ҳам ёшлар парламенти вакиллари мактабини ташкил этиш, “Фракция ва ёшлар”, “Депутат ва ёшлар” тўғриван тўғри мулоқотини ўтказиш ҳамда Қонунчилик палатасида ёшларнинг қонун лойиҳалари, ёшлар фаолиятига доир масалалар бўйича фикрларни ўрганиб бориш тизимини йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг тўртинчи ва энг муҳим босқичи жадал бошланди. Бу жараёнда барча ташкилот ҳамда корхона, хусусан, парламент аъзолари фаол ўрин тутди. Биз, ҳамкасбларим билан бу эзгу, олижаноб ва мамлакат тақдирини унча ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жараёнда калб амри ҳамда юқори даражадаги масъулият ҳисси билан ёндашишга тайёримиз.

Одил ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Халқаро миқёс олган ташаббуслар, ҳаётбахш давуқий ҳужжатлар ва истиқбол сари шахдам қадамлар.

тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига янги тизим асосида ёндашиш бўйича 5 муҳим ташаббусларни суриштиришди. Бу, ўз навбатида, бугунги глобаллашув, турли зиддиятлар қучайиб бораётган даврда дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини қучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда муҳим омил бўлмоқда.

Кайд этиш жоиз, Президент Фармони билан “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, бугунги кунда юртимиз йигит-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошиб, ёш тадбиркорларнинг истиқболли фоялари ва лойиҳалари рўёбга чиқмоқда. Шунингдек, улар бандлигини таъминлашга тўқсонлик қилаётган тизимли муаммолар ҳам бартараф этилмоқда.

2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида қатнашди ва нуқт сўзлади.

— Бизнинг асосий вазифамиз, — дейди Шавкат Мирзиёев мазкур нуқтида, — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гоёси “вирусни” тарқалишининг олдини олишдир.

Ўзбекистон Президенти шу йўғилишда глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни тақдир этди.

Тақдир халқро доираларда қизгин қўллаб-қувватланди, конвенция лойиҳаси

даврда Ўзбекистонда ёшларга доир ислоҳотларни янги босқичга кўтариш учун вазият етилди, навбатдаги муҳим қадамни ташлашга барча зарур механизмлар шай ҳолатга келди.

Яна бир жиҳат. Пандемия даврида мавжуд қонунчилик базасидаги бўшлиқлар, ворисларимиз билан ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча имкониятлар кўзга ташланди. Қўрқошимиз бу борада, энг аввало, бандлиқни таъминлаш, ўзини ўзи фойдалани мейхат билан банд қилган иқтидорли йигит-қизларга янада кенг имкониятлар бериш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг ўрни ва ролини, таъсирини оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эътибор қаратди.

2020 йил, 30 июнь. Давлат раҳбарининг тарихий Фармони матбуотда эълон қилинди ва шу билан мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган ислоҳотларнинг учинчи босқичи бошланди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида илова қилинган мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури кенг қамровлилиги, барча масалага комплекс ёндашилгани билан ажралиб туради.

Худди шу кунини “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорга Президент имзо чеқди. Шундай қилиб, эндиликда ёшлар билан ишлашга доир таянч тузилма — давлат ташкилотига асос солинди.

ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат ижроси доирасида тизимли ҳамда илчил ислоҳотлар олиб боришмоқда.

Ёшларнинг билим ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида янгиша шакл ҳамда мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тизимини яратилди. Натижада ўсимирларимиз халқро фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб, улар бир вақтнинг ўзида бир неча нуфузли хорижий олий ўқув юрти талабаларига сафига қўшилипти.

Яна бир муҳим масала. Ўзбекистонда илк бор ишсиз ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган мулақо янги тизим — “ёшлар дафтари”нинг жорий этилиши ўз вақтида қўрилган муҳим чора бўлди. Бу тизим асосида ўтган қисқа давр ичидда 18 — 30 ёшдаги қарийб беш ярим миллион йигит-қизлар билан умуман юз мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг оруз-истаклари ва муаммолари тингланди, беш юз мингдан зиёд ижтимоий ҳўмога, иқтисодий ҳаётда психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож ва ишсиз йигит-қизлар “ёшлар дафтари”га киритилди.

Худудий ҳамда маҳаллий ҳўкимликлар қошида “ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш учун Ёшлар жамағармалари ташкил этилиб, керакли маблағ ажратилди ва улар маффаалари учун йўналтирилди. Бу каби амалий ҳамда эзгу ишлар давом этади.

2021 йил, 30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

да эришилган натижалар, ижобий тажрибалардан кенг фойдаланиш, уларни оммалаштириш, ҳар бир худудда ўзининг “Ўсиш нуқтаси”, табиий шароити ва имкониятидан келиб чиқиб, ёшлар бандлигини таъминлашга доир дастур қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Бу янгича ёндашув ҳамда ўз вақтида, айни зарур пайтда берилган муҳим тақдирлардир.

Масалан, навқирон авлод бандлигини таъминлаш бўйича Андижон тажрибаси, уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича Олот тажрибасини кенг оммалаштириш белгиланди. Айтиш жоизки, бу тажрибалар — ниҳоятда қисқа вақтда самара келтириши, ижро органлари салоҳиятини ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга тўлиқ жалб этиши билан алоҳида аҳамиятlidir.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги соҳасида йигит-қизлар фаолиятини ошириш, уларнинг иштирокини кенгайтириш, мавжуд тажрибалардан келиб чиқиб, парламент ва ёшлар мулоқотини янги босқичга кўтариш ҳам чуқур ўйланган, ниҳоятда керакли гоёдир.

Парламентнинг кундалик иш жараёнида қатнашиш, унинг фаолияти билан яқиндан танишуш, сенатор ва депутатлар билан “Ўстоз — шогирд” аънасисининг йўлга қўйилиши, найки келажак эгаларига катта мотивация беради, шунингдек, миллий парламентаризм ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Парламент потенциал депутат ҳамда сенаторларни тарбиялаб боради — профессионал қонун ижодкорлиги учун бу қанчалар муҳим, зарур эканлигини алоҳида тушуниришнинг ҳўжати йўқ, деб ўйлайман.

Кунини кеча Қонунчилик палатаси ҳузурини

ДАВРНИНГ ЎЗИ АХБОРОТ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

ЛИБОС — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Бугун ўқувчи ва талабаларимиз кийиниш одобига қандай муносабатда?



Фикр

Негаки, унда ҳар бир фуқаро бирор динга эътиқод қилиш ёки қилмаслиққа, ибодатлар, диний расм-русум ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмаслиққа ҳуқуқли экани, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни ў ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Қолаверса, ҳар бир фуқаро жамоат тартибига риоя этиши лозимлиги, бошқаларнинг ахлоқига, ҳуқуқ ва эркинликларига раҳна солувчи одат ҳамда қарашларга йўл қўйилмаслиги ҳам назарда тутилган. Шу ўринда фуқарони таълим жараёнида у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмаслиги белгилангани ёшларимизга катта эркинлик ҳамда имкониятлар яратиб беришини таъкидлаш зарур. Аммо айрим ҳолларда бу эркинлик ва имкониятларни суийестимиз қилиш ҳоллари ҳам учраётгани эса таъкидлашди, албатта. Бу, айниқса, ўқувчи ҳамда талабалар кийинишида кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Одатда, тажрибали одамлар кийиниш одобидаги кўр-қўрона тақдирлар, ёшларнинг тақдан тақинчоқлари ҳамда қай оҳанг-да сўзлаётганини кузатиб, уларнинг савияси, маданияти ва одоб-ахлоқи ҳақида тасаввур ҳосил қилади, баҳолайди. Аёнки, кийиниш одоби ёшларнинг ички маданиятини акс эттирувчи ўзига хос кўзгудир. Бироқ бугун айрим қизларнинг таълим муассасаларида кийиб юрган кийимига қараб беихтиёр: “Бунақа кийиниш маданияти қардан кириб келди, бу бизга бегона, миллийлигимизга зид-ку, бунга шундай қараб туриш керак эмас, қаерга кетяпмиз, ахир миллий ўзлигимиз қаерда қолди, бир қараса ундок, бир қараса бундоқ, ҳой қизларим, кўзингизни очинг, ким нимани тақдим қилса, унга эргашиб кетманг, ахир, биз илдизи мустаҳкам, ўз маданиятига эга халқимиз, бизга ўзга маданиятлар андозаси керак эмас, улар

Кунини кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни бугунги кун учун ниҳоятда долзарб бўлган масалаларни қамраб олгани билан эътиборга молик.

Бу ҳужжатни мухтасар айтганда, виждон эркинлиги, яъни фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қачини динга эътиқод қилмаслиққа оид конституцийвий ҳуқуқларининг ўзига хос қафолати, дейиш мумкин.

биздан ибрат олсин!” деб ҳайқиргинг келди.

Бизнингча, таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг кийиниш одобини белгилаш ҳамда кенг ёйишда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, айнан улар ўзларининг кийиниш маданиятидаги шахсий намунаси, бунга миллий қадриятларимизнинг узвий қисми сифатида қараш орқали ёшларимизга миллий ўзлигимизнинг мазмун-моҳиятини сингдиришга сабабчи бўлади.

Бу борада ота-оналар, маҳалла ва жамоатчилик ҳам тинимсиз ишлаши, бир сўз билан айтганда, бепарво қараб турмаслиги керак. Бугун инновациялар, замонавий ривожланиш йўлидан кетётган Ўзбекистон ёшларининг кўр-қўрона тақдирликлари, яъни турли маданиятлар ортдан қувиб кетмаслиги, миллийлик билан тақдирини фарқлай олиши жудаям муҳим. Шу маънода, ҳар биримиз бепарволикка берилмасдан, бу ҳақда тинмасдан бонг урсак мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, беназир маънавий ҳазинамизни таҳдид остида қолдирган бўламиз.

Бу ҳақда беҳиж жон куйдирмаяпмиз. Зеро, бетакдор миллий либос инсон қалби ва фикрлари гўзаллашувиға сабаб бўлишини замонавий илм-фан ҳам алақачон исботлаган. Шундай экан, кийиниш маданиятига одатий бир масала сифатида қарашга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Аксинча, унга ҳаёт-мамонт масаласи ўлароқ ёндашсак, айни мудоаодир. Бу жараёнда биз, сенаторлар ҳам шахсий намуна кўрсатиш баробарида, тарғибот-ташвиқот тадбирларига зўр берсак, халқимиз олдидаги бурчуларимиздан бирини адо этган бўламиз.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Охириги йилларни тақдир қилсак, соҳада қандай ишлар бажарилгани яқол намоён бўлади. Аввало, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база қучайтирилиб, тўрт йил давомида 12 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Буларнинг барчаси аҳоли учун қулайлик яратиш ва давлат органлари фаолиятдан хабардорлигини ошириш ҳамда улар устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ва бу, ўз-ўзидан мамлакатимизнинг тегишли халқаро рейтинг ҳамда индекслардаги ўрни яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, БМТнинг ўтган йилги хулосаларига кўра, Ўзбекистон “Очиқ давлат маълумотлари ин-



дексини” бўйича энг яхши кўрсаткич билан дунёнинг 41 давлати қаторига қўшилди ва рейтингда мамлакатимиз дунёда 44-ўринни, Марказий Осиёда 1-ўринини эгаллади.

Шуларга қарамасдан, юртимиздаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари, олиб борилаётган

кенг қўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини халқимизга тўғри ҳамда тўлиқ тушунириш, миллий ахборот маконини ҳолис ва асосли маълумотлар билан тўйинтириш зарурати ахборот сиёсати ҳамда очиклиқни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни янада фаоллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ана шу мақсадга қаратилгани билан ҳам аҳамиятlidir. Фармонда белгиланган берилган вазифалар қамрови шу даражада

кенги, уларнинг тўла амалга оширилиши учун тизимли назорат, хусусан, парламент назорати ниҳоятда муҳим. Шу боис ҳам Олий Мажлис Сенатининг 16-ялги мажлисида Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Қўмитамизнинг асосий вазифалари сифатида Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва Сенат Кенгашига тақдирлар киритиш, давлат органи ҳамда ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг юритиш, ахборот сиёсати ҳамда давлат органларида ошкоралиқни таъминлашга оид қонун ҳужжат-

лари, давлат дастурлари ижро этилиши устидан тизимли парламент назоратини амалга ошириш, соҳага оид қонунчилик базасини тақдир этиш, умумэтирофдаги халқаро нормаларни миллий ҳужжатларга имплементация қилиш, амалдаги ҳужжатларни тақомиллаштириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш ва бошқа қатор масалалар белгилаб олинди. Албатта, биз, сенаторлар, хусусан, қўмита аъзолари анана шу вазифалар ижроси йўлида катта саъй-ҳаракат қилиш талаб этилади.

Фарҳод БОКИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ЧОРРАҲАСИ

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишини тарихий воқеа деб атаган бўлар эдим, бунга асосларим бор. Диний бағрикенглик — миллатлараро, конфессиялараро тотувлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айниқса, динлар ўртасидаги муносабат бу инсонлар ўртасидаги муносабатдир. Сабаби бизнинг ислом динимиз фақат эзгуликка хизмат қилиб келган.

Акс садо

Бу борада давлатимиз раҳбарининг қўйидаги сўзларига мурожаат қилсак, ўринlidir: — Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилдан қатъи назар, маънавий покликни, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўринини ҳеч нарса боса олмайдиғи восита бўлиб хизмат қилиши шўбҳасиздир, — дейди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Бугун барча соҳада очик мамлакат сифатида жаҳон сиёсий майдонидан муносиб ўрин эгаллаётган, маърифат, дин ва виждон эркинлиги таъминланган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан ортқ миллат ҳамда элат вакиллари ҳамжиҳатликда, дўст, иноқ бўлиб, умргузаронлик қилмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда инсонпарварлик сиёсатининг амалга оширилиши натижасида миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, шу заминда яшаб меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари юксак қадр тоғди.

лардан 5 нафари Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга муносиб топилган. Ўзбекистон динлараро бағрикенглик ривожига салмоқли хисса қўшиб келаятган давлатлар сирасига қиради. Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлар ҳамда конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини таъминлаш янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб белгиланган. Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқди.

Қонун мамлакатимизда олиб борилаётган катта инсонпарварлик сиёсатининг янги бир қўрилишидир. Қонунни қабул қилишдан мақсад — 1966 йилдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқлаштириш, ҳужжатларни қўллашда мавҳум бўлган айрим диний атамаларга ойдинлик киритиш, диний ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали уларнинг фаолиятини кафолатлаш, диний ташкилотни тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаш



Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва унинг иқтисодийётадаги улушини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжат билан тасдиқланган 2021 йил учун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олган. Келинг, давлатимиз раҳбарининг қарори доирасида "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ иштирокида қандай ишлар амалга оширилаётганини Сурхондарё вилояти мисолида кўриб чиқамиз.



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ - ПИРОВАРД МАҚСАД

Амалий ёрдам кўрсатиш марказлари йўлга қўйилди

Хизматлар соҳаси давлат иқтисодийётининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Масалан, Жаҳон банкининг январь ойида "Жаҳон иқтисодийётининг истиқболлари" ҳисоботида берилган баҳога кўра, Ўзбекистон иқтисодийётининг ўсиши 2021 йилда 4,3 фоизга, 2022 йилда эса 4,5 фоизга етади.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу тенденция ривожига хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги қарори билан 2021—2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Сервис соҳасини иқтисодий ўсишни таъминлайдиган муҳим "драйвер"га трансформация қилиш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмининг икки баробар ошириш, соҳадаги оптикча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, хизматлар турини кўпайтириш, худудларда, айниқса, қишлоқларда транспорт, молия, банк, туристик ва савдо хизматлари кўламини кенгайтириш, аҳолига тайёр бизнес-режалар ҳамда лойиҳаларни бериш, касбий таълимдан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга бўлган босқичларни ўз ичига олган комплекс хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида Қурилишни молиялаштириш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш департаменти директори ўринбосари — хизматлар соҳасини ривожлантириш маркази бошлиғи Шухрат Жумамов сўзлаб берди.

— Шу йил 22 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан жойларда лойиҳаларни амалга ошириш учун 300 миллион АҚШ доллари эквивалентда маблағлар ажратилди. Маблағларни ўзлаштиришнинг биринчи босқичи жорий йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилиши белгиланган. Айни пайтда уларни банклар кесимида тақсимлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, тадбиркорларга бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, молиявий масалаларни ечиш, фаолиятни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш марказлари йўлга қўйилди. Улар малакали мутахассислар билан таъминланмоқда.

Айни пайтда ҳокимиятлар, банклар ва иқтисодий бошқармалар вакилларидан таркиб топан гуруҳлар Президент қарори доирасида тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқмоқда.



Янги лойиҳалар ва иш ўринлари

Бир ҳудуд доирасида бажарилаётган ишларнинг кўламини тушуниш учун статистикага мурожаат қиламиз. 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан Сурхондарё вилоятида хизматлар соҳасида 879 миллиард сўмлик 343 та лойиҳа амалга оширилган. Натижада 2 минг 224 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Жумладан, "Ўзмилийбанк" АЖнинг вилоят филиали томонидан қиймати 15,5 миллиард сўм бўлган 42 та лойиҳа молиялаштирилиб, натижада 556 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Шу билан бирга, Президентнинг юқорида айтилган қарорига мувофиқ, 250 миллиард сўмлик қўшимча кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Ҳамма таълим олиши мумкин

2018 йили Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида иқтисодлаштирилган ўқув маркази очилган эди. Ўз ишини беш йўналиш бўйича етти нафар ўқитувчи билан бошлаган ушбу марказ "Ўзмилийбанк" АЖнинг вилоят филиали томонидан ажратилган 600 миллион сўм ҳисобига фаолиятини кенгайтирди. Бугун ушбу ўқув маркази минглаб сурхондарёлик ёшларга хизмат кўрсатмоқда.

— Уч йилдан буён фаолият юритяпмиз, — дейди ўқув маркази раҳбари Йўлдош Эргашев. — "Ўзмилийбанк" АЖга молиявий кўмак сўраб мурожаат қилган эдик. Банк ажратган 600 миллион сўм ҳисобига тармоғимизни кенгайтирдик, хоналарни қайта жиҳозладик, шараитларни яхшиладик, янги мутахассисларни жалб қилдик.

Бугун марказда 15 нафар таълим тарбиялаш ўқитувчи иш билан таъминланган. Ҳозирги кунда бу ерда мингдан зиёд йилгит-қизлар тахсил олмақда. Сўнгги икки йил ичида битирувчиларимизнинг 70—80 фоизи олий таълим муассасалари талабаларига айланди. Айни пайтда вилоятнинг барча туманида филиалларни очиб режалаштирилган.

— Ўқув марказида ўқувчиларни IELTS ва TOEFL имтиҳонларига тайёрлаймиз, — дейди ўқитувчи Барно Омонова. — Яқиндагина ўзим ҳам ўқувчи эдим. Ўқитувчиларимнинг кўмаги ҳамда бу ерда яратилган шараитлар туяфайли имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, етарли балларни тўпладим ва инглиз тилидан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлдим.

Давлатимиз раҳбари кўп мартаба таъкидлаганидек, мактабгача, мактаб, олий ўрта махсус таълим тизимлари — бу ўрнча махсус таълим тизимлари — бу ўрнча Ренессанснинг ўзаро боғлиқ тўртта бўғинидир. Шу сабабли худудларда, жумладан, Сурхондарёда кичик ёшдаги болалар таълимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган ташкилотлар фаолиятини кенгайтириш ҳамда болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши даражасини ошириш мақсадида "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, Мактабгача таълим вазирлиги билан шартнома тузган 167 нафар ташаббускорга "Ўзмилийбанк" АЖ 275 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағларини ажратди. Бунинг натижасида жами 12 минг 870 ўринга мўлжалланган 155 та МТМ фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, 15 минг 27 ўринга мўлжалланган 607 та оилавий нодавлат болалар бочаси ҳам шартнома тузган, 14 минг 666 ўринга мўлжалланган 592 та боғча фаолияти йўлга қўйилди. Натижада болаларнинг давлат-хусусий шерикликдаги нодавлат МТМ билан қамраб олиниши 42,5 фоизгача ошди. Жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосидаги

4 минг 810 ўринга мўлжалланган 47 та нодавлат МТМ ва 21 минг 750 ўринли 870 та оилавий нодавлат МТМ билан шартнома тузиш режалаштирилган.

Сифатли диагностика ва даволаш

Президентимизнинг "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соғлиқни сақлаш тизимини ҳам четлаб ўтмади.

Сурхондарёга, аниқроғи, унинг маъмурий маркази — Термизга қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, "Ўзмилийбанк" АЖ томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобига маҳаллий Ибн Сино номидаги клиника замонавий тиббий ускуналар, жумладан, рақамли рентген аппарати, компьютер томографияси, УЗИ аппарати билан жиҳозланди. Натижада тиббий муассаса аниқ ташхислари билан эл озига тушмоқда ва энг асосийси, бу ерда кичик ёшдаги беморларни сифатли даволаш йўлга қўйилган.

"Ўзмилийбанк" АЖ томонидан берилган кредит ёрдамида 2020 йил сентябрь ойида тиббий клиникамиз фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди болалар шифокори Илҳом Холёрова. — Тажрибали кардиолог, невролог, педиатрлар замонавий тиббий ускуналар ёрдамида кичик ёшдаги беморларга хизмат кўрсатишга қўйилди. Ҳозирча тўрт нафар мутахассиснинг бандлиги таъминланган, бироқ янги ходимларни ишга қабул қилиш жараёни давом этмоқда. Келгуси режа — фаолиятни кенгайтириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш.

Спорт учун қулай шароит

Замонавий жамиятни фаол ва соғлом турмуш тарзисиз тасаввур қилиш қийин. Бугун мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси жисмонан фаол бўлишга интильмоқда.

Айни жараёнда Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида спорт соғломлаштириш мажмуаси ташкил этилди. "Ўзмилийбанк" АЖ кўмаги билан ушбу муассаса зарур спорт анжомларини олди. Натижада аҳолининг спортга қизиқишини ошириш учун жозибдор шароит яратилди.

— Ушбу мажмуа ташкил этилишидан олдин ижарада, бир бинодан иккинчисига кўчиб юришга мажбур эдик, — дейди тадбиркор Бекзод Дониёров. — Банк кўмаги билан энди бир жойда кўним топдик. Бу ерда эркаклар ва аёллар учун алоҳида заллар мавжуд. Мажмуада тўрт нафар кишининг бандлиги таъминланган. Фаолиятимизни кенгайтириб, иккинчи қаватда атлетларни олимпия спорт турлари бўйича тайёрлаш секцияларини очиб режалаштирганмиз.

— Мен бу ерда икки ойдан бери шуғулланаман, — дейди Исролжон Каримов. — Илгари спорт билан мунтазам шуғулланишнинг имкони йўқ эди, негаки, бунинг учун бошқа туманга боришга тўғри келарди. Бу ерда эса барча зарур шароит яратилган. Тренажёр залларидан ташқари, оғир атлетика, кураш бўйича ҳам секциялар фаолият кўрсатади.



Кўрсатилаётган сифатли хизматдан мижозлар мамнун

Бугунги кунда автомобилларга техника хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. "Ўзмилийбанк" АЖ кўмаги билан ушбу муассаса зарур спорт анжомларини олди. Натижада аҳолининг спортга қизиқишини ошириш учун жозибдор шароит яратилди.

— Ушбу мажмуа ташкил этилишидан олдин ижарада, бир бинодан иккинчисига кўчиб юришга мажбур эдик, — дейди тадбиркор Бекзод Дониёров. — Банк кўмаги билан энди бир жойда кўним топдик. Бу ерда эркаклар ва аёллар учун алоҳида заллар мавжуд. Мажмуада тўрт нафар кишининг бандлиги таъминланган. Фаолиятимизни кенгайтириб, иккинчи қаватда атлетларни олимпия спорт турлари бўйича тайёрлаш секцияларини очиб режалаштирганмиз.

— Мен бу ерда икки ойдан бери шуғулланаман, — дейди Исролжон Каримов. — Илгари спорт билан мунтазам шуғулланишнинг имкони йўқ эди, негаки, бунинг учун бошқа туманга боришга тўғри келарди. Бу ерда эса барча зарур шароит яратилган. Тренажёр залларидан ташқари, оғир атлетика, кураш бўйича ҳам секциялар фаолият кўрсатади.

ларни ишга таклиф қилдик. Айни пайтда бу ерда 10 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Фаолиятимизни кенгайтириш истагидамиз, ишонамизки, бунда ҳам банк бизга ёрдам бериши.

— Авваллари уйдан, оиламиздан йироқда, хусусан, Россияга бориб ишлашга мажбур эдик, — дейди автосервис ишчиси Мурод Худойбердиев. — Шўкрки, ўз юртимизда, ўзим хоҳлаган жойда ишли бўлдим. Мижозларимиз орасида нафақат юртдошларимиз, балки Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистондан ҳам келаётганлар бор. Уларга бу ерда яратилган шароит, кўрсатилаётган сифатли хизмат манзур бўлаётир.

Умуман олганда, Сурхондарёда хизматлар соҳасини ривожлантиришга йўналиш берилган ишларга кўплаб аниқ мисоллар келтириш мумкин, бироқ уларнинг барчасини ҳам бир мақолада акс эттириш қийин. Асосийси, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом этмоқда.

Жумладан, худудий инвестициялар дастури доирасида 1 триллион 600 миллиард сўмлик 512 та йирик ва ўртача лойиҳа амалга оширилгани натижасида хизматлар соҳасида 3 минг 130 та иш ўрни яратилди. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида эса 2 минг 187 та кичик лойиҳани амалга ошириш учун 126 миллиард сўм йўналтирилиб, 3 минг 157 нафар сурхондарёликнинг бандлиги таъминланиши мўлжалланган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, 2020 йилда Сурхондарёда хизматлар соҳасидаги маблағлар ҳажми 7 919,7 миллиард сўмни, ўсиш суръатлари эса 103,3 фоизни ташкил этди.

"Ўзмилийбанк" АЖга келсак, ушбу худуд ва умуман, республикада амалга оширилаётган ишлардан ташқари, юқорида айтилган ҳужжат билан молиявий муассасага 2021 йилнинг охирига қадар 28 та йирик ва ўрта катталидаги шахарларда туристик, транспорт, тиббий ҳамда таълим объекти лойиҳаларини унун тижорат банкларини қайта молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларидан 200 миллион доллар маблағ жалб қилиш топширилган.

Айни чоғда "Ўзмилийбанк" АЖ ҳузурда Хизматларни ривожлантириш лойиҳа-таҳлили маркази ташкил этилган. Кенг кўламли ислохотлар натижасида яқин йилларда худудларда кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ҳамда сони сезиларли даражада ошади ва бу фуқароларимизнинг фаровонлигида акс этади.

"Ўзмилийбанк" АЖ матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ШАҲАР КЎЧАЛАРИДА ЯНГИ АВТОБУСЛАР

Аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда транспорт воситаларининг ўрни алоҳида. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар асносида Андижон вилоятида ҳам жамоат транспортда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда.

Қулайлик

Шу кунларда Андижон шаҳри кўчаларида Хитой давлатида ишлаб чиқарилган, барча замонавий шароитларга эга бўлган "Азиястар" русумли автобуслар ҳаракатлана бошлади. 70 нафар йўловчини ташиш имконига эга бўлган ушбу транспорт воситаси видеокузатув камераси ва кондиционер билан таъминланган. Юмшоқ ўриндик ҳамда кенг йўлакча йўловчиларни манзилга етказиб қўйишда сифатли хизмат кўрсатишни таъминламоқда.

— Шаҳар ичида аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи "Дамас" автомашиналаридан фойдаланардим, — дейди "Измил" қандолат чеҳи ишчиси Дилфузахон Тешабоева. — Бунинг ўзинга хос нуқулликларни бор. Масалан, машинага

чиқиб-тушиш эркин ҳаракатланишга монелик қилади. Салон ичи тор бўлгани боис зич ўтиришга мажбур эдик. Йўналишларда автобуслар ҳаракати йўлга қўйилиши шу каби муаммоларни бартараф этди. Энг муҳими, "Дамас"ларда кира ҳақи 3 минг сўм, автобусда минг сўмдан иборат. Демак, ҳар куни 4 минг сўм пулни иқтисод қилиш имконига эга бўлдим.

"Алпоммиш мероси" МЧЖ тасвирчиси Ақамжон Нурматовнинг маълум қилишича, тез кунларда бу каби автобуслардан яна 120 таси олиб келинадан. Шу орқали вилоят марказида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати бирмунча ортиши кўзда тутилган.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

"Fitch Ratings" xalqaro reyting agentligi "Ipoteka-bank" ATIB reytingini "BB-" ("Barqaror" prognozi) darajasida tasdiqladi.

www.ipotekabank.uz

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Спорт

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИДА ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ 7 НАФАР ВАКИЛИМИЗ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Шу йилнинг 10 июль санасидан Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида шахмат бўйича Жаҳон кубоги баҳслари бошланади. Мусобақа 8 августга қадар давом этади.

Яқинда Халқаро шахмат федерацияси расмий сайти ушбу нуфузли мусобақада қатнашадиган спортчилар рўйхатини тақдим этди. Унда ҳамюртларимиз ҳам ўрин олган.

Туризм ва спорт вазирлигининг маълум қилишича, Жаҳон кубогининг эркаклар ўртасидаги баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ёш ва умидли шахматчиларимиздан Жаҳоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жаҳоҳир Воҳидов ҳамда Шамсиддин Воҳидов ҳимоя қилишади.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда эса Нилуфар Ёқуббоева ҳамда Умида Омонова голиблик учун донна суришади. Умумий ҳисобда Жаҳон кубогида Ўзбекистон номидан жами 7 нафар шахматчи иштирок этади.

Эътиборлики, бу Ўзбекистон тарихида рекорд кўрсаткичдир. Чунки бунгача ҳеч қачон шахмат бўйича Жаҳон кубогида бу қадар кўп шахматчимиз қатнашмади. Вакилларимиз Россияга 9 июль куни учиб кетишади.

«Халқ сўзи».

Давлат статистика қўмитаси жамоаси Жиззах вилояти статистика бошқармаси бошлиғи **Қамолитдин ҚАСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихроҳ этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 446 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоəsi келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сифатланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Мусаҳҳиф — С. Исмолов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.50 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6